


ДИАГНОСТИКА ТЕСТ ЖАРАЁНЛАРИГА ИШТИРОК ЭТИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2023-йил 28-август куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 28-сонли баёнида ўқитувчилар малакасини табақалаштирилган ҳолда ошириш тизимини жорий этишга доир берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг 2023-йил 14-ноябрдаги “Мактаб ўқитувчиларининг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини диагностикадан ўтказишни ташкил қилиш тўғрисида”ги 540-сон буйруғи қабул қилинди. Бунда мактаб ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга бўлган касбий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 2024-йил январь ойидан бошлаб мактаб ўқитувчиларининг малакасини табақалаштирилган ҳолда ошириш тизимини жорий этишга тайёргарлик кўриш мақсадида жорий йилнинг 4-15-декабрь кунлари мактабларда фаолият кўрсатаётган барча ўқитувчиларнинг билим ва кўникмалари баҳоловчи тестлар воситасида диагностикадан ўтказилиши белгиланган.

Диагностика тести А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти **“Ўзлуксиз касбий таълим”** махсус электрон платформаси (www.onlinedu.uz) орқали ўтказилади.


Диагностика тест жараёнлари иштирокчилари “Ўзлуксиз касбий таълим” электрон платформаси (onlinedu.uz) орқали ўз профилларига кириш талаб этилади. Платформага кириш учун рўйхатдан ўтган бўлишлари ва ўз логин паролларини билишлари шарт. *Маъулмот учун: Рўйхатдан ўтганлар такроран рўйхатдан ўтишлари шарт эмас.*

«Ўзлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасига <https://onlinedu.uz> манзили орқали кирилади ва платформанинг асосий ойнасидаги **“Malaka oshirishni boshlash”** ёки **“Kirish”** қисмига кириб шахсий телефон рақамингизни киритасиз (1-расм).




Платформага кириш ойнаси (1-расм).

Диагностика тести иштирокчиси ўзига тегишли бўлган шахсий телефон рақами ва паролни керакли ойнага киритади ҳамда **“Kirish”** тугмасини босади. Бу орқали иштирокчи шахсий профилингизга кирган ҳисобланади. Шундан сўнг **“Diagnostika testi”** руқунига кириши ҳамда тест жараёнларига иштирок этиши мумкин бўлади (2-расм).




Иштирокчи профили ҳамда тест топширишга ўтиш ойнаси (2-расм).

“DIAGNOSTIKA TESTI” тугмасин босганимиздан сўнг, ҳосил бўлган ойна ёрдамида **тест топшириш тили** (ўзбек, рус, қорақалпоқча) ҳамда **фанни танлашингиз** мумкин бўлади. *Эслатиб ўтамиз: фақат асосий дарс берадиган фан бўйича тест топширингиз мумкин* (3-расм).




Тест топшириш тили ҳамда фанни танлаш ойнаси (3-расм).

Тест топшириш **тили** ва **фанни** танлаб, тестни бошлаш тугмасини босганингиздан сўнг, **4 та** муқобил жавобдан иборат **50 та** тест саволлари берилади. Узингиз тўғри деб ҳисоблаган жавоб олдидаги **доирани** белгилаш орқали жавоб беришингиз ҳамда кейинги саволга ўтишингиз мумкин (4-расм). Маълумот учун: *тест жараёнлари белгиланган диагностика режа графиги бўйича ташкил этилади (ММТВнинг 540-сон буйруқ 1-илова).*



Тест топшириш рукнуга ўтиш ойнаси (4-расм).

Диагностика тести вақти тестни бошланган вақтиздан бошлаб **60 дақиқа** ажратилади. Белгиланган вақт давомида барча саволларга жавоб беришингиз, жавоби белгиланмаган тест саволлари нотўғри жавоб деб ҳисобланишига асос бўлади (5-расм).



Тест топшириш ойнаси (5-расм).

Тест саволлари ўз фанингиз бўйича **билиш, қўллаш, таҳлил қилиш** ҳамда **психологик** топшириқлардан иборат бўлиб, барча саволларга жавоб бериб бўлганингиздан сўнг “**Testni yakunlash**” тугмасини босасиз (6-расм).

ABDULLA AVLONiy NOMIDAGI
MILLiy-TADqiqOT INSTITUTI

Yo'riqnoma

Q. Nimani o'rganishni sohlaysiz? Misol uchun: Menedjme

O'zbekcha -

Akkaunt

49. Jarangli va jarangsiz undoshlar ma'no farqlagan so'zlarni aniqlang.

☐ sudxo'r - subxo'r

☒ bo'shliq - bo'shlik

☐ ta'rif - tarif

☐ yondosh - yondash

50. Til oldi undoshlari ma'no farqlashga xizmat qilgan so'zlarni aniqlang.

☒ tanbur - tambur

☐ ta'rif - tarif

☐ tush - tish

☐ guldor - guldor

Testni yakunlash

Тестни якунлаш ойнаси (5-расм).

Тестни якунлаш тугмасини босганингиздан сўнг, “**Diagnostika testi natijasi**” хабар ойнаси ҳосил бўлади. Тест натижаси фоизларда (%) берилади. 50 та саволга жами 100 балл, ҳар бир саволга 2 баллдан. (6-расм).

ABDULLA AVLONiy NOMIDAGI
MILLiy-TADqiqOT INSTITUTI

Yo'riqnoma

Q. Nimani o'rganishni sohlaysiz? Misol uchun: Menedjme

O'zbekcha -

Akkaunt

Mening profilim

Online malaka oshirish

Offline malaka oshirish

DIAGNOSTIKA TESTI

Elektron Portfolio

Mening kurslarim

Maqsadli kurslar

Vebinarlar

E'lonlar

Sozlamalar

To'lovlar tarixi

Chiqish

Asosiy > Mening akkauntim > DIAGNOSTIKA TESTI

DIAGNOSTIKA TESTI

Golibjon Otamurodov
A.Avloniy nomidagi ITI xodimi

Jami savollar soni:
50 ta

Diagnostika testi natijasi:
16 %

Диагностика тест натижаси кўриш ойнаси (5-расм).